

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 359-ҳадис

359 - عَنْ جَابِرٍ، قَالَ: بَعَثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَمَرَ عَلَيْنَا أبا عُبَيْدَةَ، تَتَلَّقَى عَيْرًا لُفْرَيْشٍ، وَرَوَدَنَا جِرَابًا مِنْ تَمْرٍ لَمْ يَجِدْ لَنَا غَيْرَهُ، فَكَانَ أَبُو عُبَيْدَةَ يُعْطِينَا تَمْرَةً تَمْرَةً، قَالَ: فَقُلْتُ: كَيْفَ كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ بِهَا؟ قَالَ: تَمَّصْهَا كَمَا يَمَّصُ الصَّبِيُّ، ثُمَّ نَشْرَبُ عَلَيْهَا مِنَ الْمَاءِ، فَتَكْفِينَا يَوْمَنَا إِلَى اللَّيْلِ، كُنَّا نَضْرِبُ بِعَصِيَّتِنَا الْحَبْطَ، ثُمَّ تَبْلُهُ بِالْمَاءِ فَتَأْكُلُهُ، قَالَ: وَانْطَلَقْنَا عَلَى سَاحِلِ الْبَحْرِ، فَزَفَعْنَا لَنَا عَلَى سَاحِلِ الْبَحْرِ كَهَيْئَةِ الْكَنْبِيبِ الضَّحْمِ، فَأَتَيْنَاهُ فَإِذَا هِيَ دَابَّةٌ تُدْعَى الْعَنْبَرِ، قَالَ: قَالَ أَبُو عُبَيْدَةَ: مَيْتَةٌ، ثُمَّ قَالَ: لَا، بَلْ نَحْنُ رُسُلُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَقَدْ اضْطُرِرْتُمْ فَكُلُوا، قَالَ: فَأَقَمْنَا عَلَيْهِ شَهْرًا وَنَحْنُ ثَلَاثٌ مِائَةٍ حَتَّى سَمِنَّا، قَالَ: وَلَقَدْ رَأَيْنَا تَعْتَرِفُ مِنْ وَقْبِ عَيْنِهِ بِالْقِلَالِ الدُّهْنِ، وَتَقْتَطِعُ مِنْهُ الْفِدَرَ كَالثَّوْرِ، أَوْ كَقَدْرِ الثَّوْرِ، فَلَقَدْ أَخَذَ مِنَّا أَبُو عُبَيْدَةَ ثَلَاثَةَ عَشَرَ رَجُلًا، فَأَقْعَدَهُمْ فِي وَقْبِ عَيْنِهِ، وَأَخَذَ ضِلْعًا مِنْ أَضْلَاعِهِ فَأَقَامَهَا ثُمَّ رَحَلَ أَعْظَمَ بَعِيرٍ مَعَنَا، فَمَرَّ مِنْ تَحْتِهَا وَتَرَوَدْنَا مِنْ لَحْمِهِ وَشَائِقٍ، فَلَمَّا قَدِمْنَا الْمَدِينَةَ أَتَيْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَكُنَّا ذَلِكَ لَهُ، فَقَالَ: «هُوَ رِزْقُ أَحْرَجَهُ اللَّهُ لَكُمْ، فَهَلْ مَعَكُمْ مِنْ لَحْمِهِ شَيْءٌ فَتُطْعِمُونَا؟»، قَالَ: فَأَرْسَلْنَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْهُ، فَأَكَلَهُ.

[خ 2483، م 1935، ت 2475، س 4351، د 3840، ج 4159].

Жобирдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Убайдани амир қилиб, бизни Қурайшнинг карвонини тўсиб чиқиш учун жўнатдилар ва бизга бир халта хурмо бердилар. Бизга беришга шундан бошқа нарса топа олмадилар. Абу Убайда бизга (қунига) бир донадан хурмо берарди». «Уни нима қилар

эдинглар?» дедим.

У шундай деди: «Уни гўдак сўргандек сўриб, кейин устидан сув ичар эдик, шу бизга ўша куни кечгача кифоя қилар эди. Ҳассаларимиз билан барг қоқиб, кейин уни сув билан намлаб ер эдик. Кейин денгиз соҳили бўйлаб юрдик. Бир пайт денгиз соҳилида йирик кум тепалигига ўхшаган нимадир кўтарилди. Яқин келиб қарасак, анбар деган жонивор экан. Абу Убайда: «Ўлимтик-ку», деди. Кейин: «Йўқ, биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг элчиларимиз, Аллоҳ йўлидамиз. Биз музтар бўлдик, еяверинглар», деди. Биз уч юз киши эдик. Биз уни бир ой еб, ҳатто семириб кетдик. Эсимда, унинг кўз косасига хумларни ботириб, ёғ олар эдик, ундан ҳўкизни бўлаклагандек [ёки «ҳўкиздеқ»] бўлақлар кесиб олар эдик. Абу Убайда бизни унинг кўз косаси ичига ўтқазган эди, ўн уч киши сиғди. Унинг қовурғаларидан бирини олиб тиккалади-да, кейин энг катта туямизни миниб, ўшанинг остидан ўтди. Унинг гўшtidан қоқлаб, ғамлаб олдик. Мадинага келгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, у зотга буни айтган эдик, у зот: **«У Аллоҳ сизларга (денгиздан) чиқариб берган ризқдир. Ёнингизда унинг гўшtidан бироз борми, бизни ҳам меҳмон қилсангиз?»** дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

* Анбар – китнинг бир тури, кашалот. Унинг ичидан анбар деган хушбўй модда олингани учун шундай аталган.

Манба: hadis.islom.uz

